

## ИННОВАЦИОН ТАДБИРКОРЛИК-ШАХС ШАКЛЛАНИШИДА МУҲИМ ФАКТОР СИФАТИДА

Аляминов Хайрулла Исламович,

*Қорақалпоқ Миллий Университети, Архитектура кафедраси доценти  
Ўзбекистон, Нукус*

**Аннотация:** Мазкур мақолада инновацион тадбиркорлик жараёни инновациялар орқали янгилик киритиш, амалий фойдаланиш орқали ва технологиялар воситасида ишлаб чиқарилиши ёритиб берилди.

**Калим сўзлар:** инновацион тадбиркорлик, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, маҳсулотларнинг инновациялари, технология инновациялари, ижтимоий инновациялар.

Мамлакатимизда иқтисодий ислохотлар самарадорлигининг ортиши бевосита ишлаб чиқариш субъектларининг бозор фаолиятини мувофиқлаштириш жараёнларига устуворлик беришни талаб этади. Ўз навбатида тадбиркорлик фаолиятида инновацион ва инвестицион омилларнинг юқори концентрацияси истеъмолчи талабларини қондиришнинг потенциал имкониятлари ва шарт-шароитларини мувофиқлаштириш орқали бозор фаолиятини кенгайтириш жараёнини юзага келтиради. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг потенциал имкониятлари ва унинг мавжуд шарт-шароитлардан максимал фойдаланиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда республика иқтисодиётида ушбу фаолият йўналишига алоҳида устуворлик берилмоқда. Хусусан бу борада давлат томонидан устуворлик берилаётган пул-кредит ва бюджет солиқ сиёсатидаги имтиёзлар билан бирга, инвесторлар ва инновацион маҳсулот (иш, хизмат)лар истеъмолчиларини қидириб топиш ишларини, жумладан, инновацион инфратузилма субъектлари ўртасида кооперацияни ривожлантириш орқали ташкил этиш тизимига устуворлик берилишини алоҳида қайд этиш мақсадга мувофиқ. Аксарият ҳолларда инновацион фаолият маҳсулот, иш ва хизматлар соҳасидаги янгиликларга асосланади. Инновациялар, сифат жиҳатидан янги бозорларни шакллантиришга, ижтимоий эҳтиёжларни самарали қондиришга ҳисса қўшишга имкон

берадиган тадбиркорлик фаолиятини шакллантиришга асос яратади. Ўз навбатида инновациялар тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини таъминлашга ва унинг тузилмавий таркибини такомиллаштиришга олиб келади. Ўзбекистон иқтисодиётида амалга оширилаётган тизимли ислохотлар замирида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга доир чора-тадбирлар муҳим аҳамиятга эга. Мазкур ислохотлар таъсирида бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни; ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши, аҳоли бандлиги таъминлаш билан бирга, иқтисодиётнинг тармоқ ва соҳаларида чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш жараёнларидаги фаол иштироки орқали намоён бўлмоқда.

Инновацион тадбиркорлик – янгилик яратишнинг алоҳида ижодкорлик жараёнидир, хўжалик жараёни, унинг замирида мунтазам янги имкониятларни излаш, инновацияларга йўналтирилганлик ётади. Бу мавжуд лойиҳани такомиллаштириш ёки янгисини амалга оширишдаги таваккалчиликни, шунингдек, бу жараёнда юзага келадиган молиявий, маънавий ва ижтимоий жавобгарликни тадбиркор ўз зиммасига олишга тайёрлиги билан боғлиқ. Инновацион тадбиркорлик жараёнида ўз хусусиятларига кўра инновациялар орқали янгилик киритиш амалий фойдаланиш орқали (маҳсулот ва хизматлар, олий маҳсулотлар) ва технологиялар воситасида ишлаб чиқарилади. Инновация ёки янгилик киритиш янги жараён, янги воситани маҳсулот жараёнини (техник, иқтисодий, ташкилий, маданий ва б.) яратиш ва фойдаланиш. Фаолият воситалари маҳсулот ва услубларини такомиллаштирувчи радикал янгилик ва янгиликларни ажратади. Инновацион тадбиркорликнинг айнан уч асосий тури мавжуд бўлиб, қуйидагиларга қаратилган: – 1.маҳсулотларнинг инновациялари; – 2.технология инновациялари; – 3.ижтимоий инновациялар.

Инновацион тадбиркорликнинг биринчи тури мос равишда корхонанинг сотиш салоҳиятини янгилаш, мўлжалланган жараёни, ўз

навбатида, олинадиган фойда ҳажмини кўпайтириш, бозордаги улушининг кенгайтирилиши. Технологик инновациялар – энергия, ишлаб чиқариш салоҳиятини янгилаш жараёни бўлиб, тежаш ва меҳнат унумдорлигини оширишга ва энергия хомашёси ва бошқа ресурсларни оширишга қаратилган. Ижтимоий инновациялар корxonанинг ижтимоий муҳитини режали яхшилаш жараёнидир. Бу турдаги инновацияни татбиқ этиш бозорда ишчи кучи имкониятларини янада кенгайтиради, ташкилот персоналини қўйилган мақсад сари сафарбар этади, корxonанинг ижтимоий мажбуриятларга нисбатан ишончини мустаҳкамлайди.

Мамлакатимизда эркин рақобат муносабатларини ўрганиш ўзида бир қатор долзарб масалаларни акс эттиради. Хусусан, мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятига кенг имкониятлар, шароитлар, имтиёз ва афзалликлар берилаётгани, хўжалик юритувчи субъектлар сонининг кўпаяётгани, бунда эркин рақобат муносабатларининг ривожланиши ҳамда иқтисодиётнинг хизмат кўрсатиш йўналишига бўлаётган талабнинг ошиб бориши билан асосланади. Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ҳар доим қандайдир аниқ ғояларга асосланади. Фаоллик ва журъатга асосланган тадбиркорлик ғояси, шахсан тадбиркорнинг инновацион ташаббуси ҳар бир қисмигача пухта ўйланган бўлиб, нафақат ишлаб чиқариш жараёнини бутунлай қамраб олади, балки унинг бир ёки бир неча алоҳида қисмларини ҳам қамраб олиши мумкин. Тадбиркорлик ғоясининг айнан фрагментар шаклига диққатимизни қаратиб, ғояни татбиқ этиш мумкин бўлган тадбиркор фаолиятидаги асосий йўналишларини ажратиб кўрсатиб ўтамиз:

- ишлаб чиқариш бошқариш тизимининг ўзгартирилиши;
- янги техника ёки технологияни қўллаш;
- товар ишлаб чиқаришда янги, янада тежамкор ёки мустаҳкам материалдан фойдаланиш;
- маҳсулот ўрами, дизайнини яхшилаш;

– корхонанинг реклама компаниясини ташкил этиш схемасининг янгилиниши ва ҳ.к.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан А.Абдуллаев, Қ.Муфтайдинов, Х.Айбешовлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини инновацион ривожланишининг бошқарув тамойилларига эътибор қаратадилар. Бошқарув тамойилларида асосий устуворлик инновацион жараёнларга асосланган маҳсулотлар ассортименти, ишлаб чиқаришни такомиллаштиришнинг стратегик имкониятлари ва маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш режасига боғлиқлиги қайд этилади[1].

Ш.Д.Эргашходжаева тадқиқотларида тадбиркорлик фаолиятида инновацион маркетингнинг ўзига хос хусусиятлари, асосий ривожланиш босқичлари, шакллари, турлари ҳамда уни корхоналар фаолиятига тадбиқ этиш йўллари ва усуллари асосий эътибор қаратади[2].

Инновациялар, сифат жиҳатидан янги бозорларни шакллантиришга, ижтимоий эҳтиёжларни самарали қондиришга ҳисса қўшишга имкон берадиган тадбиркорлик фаолиятини шакллантиришга асос яратади. Ўз навбатида инновациялар тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини таъминлашга ва унинг тузилмавий таркибини такомиллаштиришга олиб келади. Ўзбекистон иқтисодиётида амалга оширилаётган тизимли ислохотлар замирида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга доир чора-тадбирлар муҳим аҳамиятга эга. Мазкур ислохотлар таъсирида бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни; ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши, аҳоли бандлиги таъминлаш билан бирга, иқтисодиётнинг тармоқ ва соҳаларида чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш жараёнларидаги фаол иштироки орқали намоён бўлмоқда.

Фикримизча, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини инновацион ривожланиш йўналишлари шакллантиришда қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятида инновацияларни тижоратлаштиришга йўналтирилган инвестициялар оқимини шакллантириш;

- тадбиркорлик субъектларининг инновацияларга максимал даражада таъсирчанлигини таъминлайдиган шароитларни (солиқ режими, божхона сиёсати, шу жумладан қулай инвестиция муҳитини яратишга қаратилган. Инновацион тадбиркорлик учун янги ғояларни излаш ва яратилаётган интеллектуал маҳсулотни ҳимоя қилиш каби босқичлари айнан муҳим аҳамият касб этади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Абдуллаев А, Муфтайдинов Қ, Айбешов Х. Кичик бизнесни бошқариш. Дарслик. –Т., «Молия» нашриёти, 2003 йил. 192 б .
2. Эргашходжаева Ш.Д. Инновацион маркетинг. Дарслик.–Т.: ТДИУ, Иқтисодиёт, 2014. –178 бет.